В. И. ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажарайлик

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 180 (4171).

11 СЕНТЯБРЬ ПАЙШАНБА 1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

ЙИҒИМ-ТЕРИМ ЯҚИН

Янгийўл районидаги Киров номли колхоз пахтакорлари ҳосил учун курашнинг ҳозирги долзарб кунлардан унумли фойдаланмоқдалар. Сифатли ишлов берилган ғўзаларда мўл ҳосил тўпланмоқда. Колхознинг азамат механизаторлари ва миришкор деҳқонлари ҳосилга ҳосил қўшиш ойида янада ғайрат кўрсатишмоқда.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Эргаш Собиров бу ҳақда шундай дейди:

— Хўжалигимиз далаларида бу йил ҳосил чўғи қувончли. Баҳорги, ёзги қийинчиликларни енгиб меҳнат қилган деҳқонларимиз ғўзаларда етарли ҳосил тўпладилар. Майдонлардаги экинларни озиқлантириш, суғориш ва культивация қилиш ишлари тадбиркорлик билан ўз вақтида олиб борилганлиги туфайли шундай натижаларга эришилди. Шу кунларда ғўзаларга охирги ишлов берилмоқда. Баъзи бир етилмай қолган кўсакларни етилтириб олиш учун зарур тадбирлар кўрилмоқда. Биз бу йил ғўзанинг кўп қисмини машиналарга мослаб парвариш қилганмиз. Шунинг учун ҳам йиғим-терим бошланишидан олдин пахта териш машиналарини сифатли ремонтдан чиқарямиз. Ҳозиргача 22 та машина ремонтдан чиқарилди. Шунингдек хирмонлар ҳам ҳозирданоқ тайёрлаб қўйилмоқда. 910 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,6 центнер ўрнига 30 центнердан ошириб ҳосил кўтариш юзасидан олинган мажбурият учун кураш қизигандан-қизиб бораяпти. Шунингдек, ҳосилнинг 85 процентини машиналар билан териб олишга қарор қилиб қўйдик.

Колхоз механизаторлари пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Хўжаликдаги бор техника, автомашина ва тележкалар ремонтдан чиқарилиб, шай бўлиб турибди. «Зангори кема» капитанларининг ҳар бири ўз зиммаларига мавсумда 110-120 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олганлар. Улар ана шу вазифани шараф билан адо этиш учун ғайрат кўрсатадилар.

А. ҲУСАНОВ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 сентябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида шаҳар ва район партия комитетлари, республика комсомоли Марказий Комитетининг секретарлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, касаба союзлари республика комитетларининг раислари қатнашдилар.

Пленум «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини янада авж олдириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** докладини муҳокама қилди.

Докладни муҳокама қилишда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. Абдураззоқов,** Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Камолов,** Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ш. Шамсиддинов,** Сурхондарё область Денов районидаги «Хазарбоғ» совхозининг директори **Э. А. Эргашев,** Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Е. Т. Тасанбоев,** Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **С. Н. Усмонов,** В. И. Ленин номли металлургия заводи директори **И. Ф. Мухамедов,** Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Муртазоев,** Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **С. Р. Расулов,** Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи **А. М. Қодиров,** Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари **А. М. Илюхин,** Ўзбекистон Касаба Союзлари Советининг раиси **М. А. Зоидов,** Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **И. К. Ҳусниддинов,** Шовот район партия комитетининг биринчи секретари **А. Бобожонов,** Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри **М. Иброҳимов,** Чироқчи район партия комитетининг биринчи секретари **Х. Файзиев** ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

ИЛҒОР ЗВЕНОДА

БЕКОБОД. «Победа» колхозининг 5-участкасидаги илғор звеноларидан бири бўлган Қ. Эгамбердиев бошлиқ звено аъзолари бу йил 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилишган. Звено пахтакорлари шу кунларда мажбуриятга яраша ғайрат кўрсатиб ғўза парваришини давом эттирмоқдалар. Ҳозир звено далаларидаги ғўзалар қийғос кўсакламоқда. Олдинги ғўзаларнинг ҳар тупида 8-10 тадан бўлиқ кўсак санайсиз. Бунда звено бошлиғи Қ. Эгамбердиев, миришкор сувчи Шермон Қурбонов, Ортиқбой Эшбеков ва бошқа ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, колхоздаги Орзиқул Олишев бошлиқ звено аъзолари ҳам ғўзаларни сифатли парвариш қилиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун ҳаракат қилишяпти.

А. МИРЗАЖОНОВ.

САБЗАВОТ МЎЛ-КЎЛ

Калинин районидаги «Келес» совхози сабзавоткорлари эрта баҳордан дала ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Натижада экин майдонларида мўлжалдаги ҳосил тўпланиб пишиб етилди. Шу кеча-кундузда эса етиштирилган сабзавот маҳсулотлари пешма-пеш териб олиниб, қабул пунктларига жўнатилмоқда.

Бу ишларни ўз вақтида олиб бораётган сабзавоткорлар ҳозиргача 235 тонна картошка, 450 тонна помидор, 190 тонна карам, 100 тонна бодринг, 25 тонна турли сабзавот маҳсулотлари топширдилар. Шунингдек, шаҳарликлар дастурхонига кунига 8—10 тоннадан картошка, 28 — 30 тоннадан помидор, 5 — 6 тоннадан карам ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериляпти.

Совхоз соҳибкорлари мева етиштиришда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар шу кунгача 200 тоннадан ошириб олма, 20 тоннага яқин узум узиб олдилар.

Совхоз сабзавоткорлари эртаги экинлардан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб қўймоқдалар. Ҳозиргача 45 гектар майдонга карам, 10 гектар ерга эса пиёз экиб қўйилди.

А. ҲУСАНОВ.

ҒАЛЛАКОРЛАР ТАРАДДУДИ

Ғалладан бу йил мўл ҳосил кўтарган 1-«Оҳангарон» совхозининг 3-бўлим ғаллакорлари келгуси йил ҳосили учун курашни кучайтириб юбордилар. Поёнсиз Шавғозой қир-адирларида тракторлар тинимсиз ишламоқда.

— Мана шу 30 гектарлик майдонни, — дейди бўлим механиги Ғани Тўраев, — моҳир тракторчимиз Эркин Имомалиев уч кунда шудгорлаб тамомлади.

Тракторчи Эркин Имомалиев ўз шогирдлари билан шу кунгача 260 гектар ерни қўлдан чиқариб, экишга тахт қилиб қўйди. Унинг ҳамкасблари Жалол Турсунбоев, Исмоил Ҳайитқуловлар ҳам ҳар куни 8-9 гектардан ер ҳайдаб юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Бу уч азамат тракторчи ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланганликлари натижасида 600 гектар майдонни шудгорладилар.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

МАШИНА теримига пухта ҳозирлик кўраётган Бўка районидаги Калинин номли колхоз механизаторлари ҳозиргача хўжаликдаги барча техника кучларини сифатли ремонтдан чиқаришди. 55 та терим машинаси, пахта чувиш, кўрак териш ва бир қанча прицепларни теримга шай қилиб қўйдилар. Суратда: (чапдан) илғор механизаторлардан Наби Бойқўзиев ва Бинали Мусаевлар. Н. Тўраев фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ВА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1969 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, **иккинчи стун** — дағал хашак жамғариш планининг бажарилиш проценти; **учинчи стун** — силос бостириш мажбуриятининг бажарилиш проценти;

Оржоникидзе	103,7	69,3	Янгийўл	80,4	77,9
Бўка	93,3	73,6	Бекобод	75,4	59,2
Юқори Чирчиқ	90,0	97,7	Оққўрғон	73,7	88,9
Калинин	88,5	98,0			
Ўрта Чирчиқ	86,8	50,0			
Бўстонлиқ	80,9	26,7	Область бўйича	85,5	74,8

СОВЕТ ПАРТИЯ—ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

ХАНОЙ, 10 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Ханойдан Москвага жўнаб кетди. Делегация Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Ўртоқ Хо Ши Минни дафн этиш маросимида қатнашди.

Аэродромда делегацияни Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат Мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикасининг Бош министри Фам Ван Донг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва Миллий мудофаа министри Во Нгуен Зиап, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Нгуен Зуй Чинь, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нги ва бошқа расмий кишилар узатиб қолдилар.

Совет партия — ҳукумат делегацияси шарафига аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди.

Совет партия-ҳукумат делегацияси самолёт бортидан Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуанга, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат Мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тиньга, Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донга телеграмма йўллади.

ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАСИН

Беш йилликнинг тўртинчи йили сабзавоткор деҳқонлар учун ҳам анча оғир йил бўлди. Эртаги сабзавот экинларининг кўчатларини етиштириш пайкалларда мўл ҳосил етиштиришнинг асоси ҳисобланади. Деҳқонлар ана шуни ҳис қилган ҳолда сабзавот кўчатлари етиштиришга жиддий эътибор бердилар. Қатор қўшимча тадбирлар белгилаб, парник ромлари тагига лампочкалар ўрнатишди. Теплица секцияларида кўчат тайёрлаш борасида анчагина қўшимча меҳнат қилишга тўғри келди.

Натижа кутилгандан ҳам яхши бўлди. Эртаги, ўртаги экинлар кўчати мўлжалланган миқдорларда етиштирилди, қулай дақиқалардан фойдаланиб, имкони борича қисқа фурсатда далаларга экиб олишгэ ҳаракат қилинди. Лекин, кетмакет бўлган ёнингарчилик, қишнинг пўзилиб кетиши парваришни кечиктирди, экинлар ривожини сусайтириб юборди.

Калинин районининг моҳир сабзавоткорлари тадбиркорлик билан меҳнат қилиб, ана шу қийинчиликларни енгдилар. Эртаги экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш деярли туталланган шу кунларда ўртаги экинлар ҳосили еппасига пишиб етилди.

Калининликлар бу йил халқимиз дастурхонига пландаги 81385 тонна ўрнига 100 минг тонна сабзавот етказиб бериш учун социалистик мажбурият олишган. Райондаги колхоз ва совхозларнинг пайкалларини айланар экансиз, мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилганлигига гувоҳ бўласиз.

Шу кунларда улар сабзавот топшириш планини 53,6 процент бажаришди.

Агар ўтган йилнинг худди шу кунига таққослайдиган бўлсак, сабзавот топширишда унчалик фарқ йўқ. 9 сентябрь кунигача район колхоз ва совхозлари 43600 тонна сабзавот тайёрлашди. Ўтган йилнинг худди шу муддатида эса 46181 тонна сабзавот сотилган эди.

Лекин ана шу фарқни йўқотиш учун ҳамма имкониятлар бўлган ҳолда негадир ундан тўла фойданилмаяпти.

Райондаги колхоз ва совхозларни айланиб, шижоаткор деҳқонларга қойил қоласан, киши. Мана, Куйбишев номли колхоз далалари. 15 гектар ерга экилган ўртаги помидорнинг ҳар гектаридан биринчи теримнинг ўзидаёқ 25 тоннагача ҳосил кўтарилаяпти.

Ҳозиргача маҳсулот қабул қилади. Айниқса, помидор билан карамни кўрганда тайёрлов пункти ходимларининг қайсарлиги тутиб қолганига ҳайрон қоласан киши. Бунинг устига улар колхозни яшиклар билан тўла таъминлашни ҳам уддасидан чиқиша олмаяпти.

Райондаги Оржоникидзе номли, Собир Раҳимов номли, Навоий номли, Охунбобоев номли «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозларда ҳам шунга ўхшаш фактлар тўлиб-тошиб ётибди. Маҳсулот етиштирган деҳқонлар тайёрловчи ташкилотларнинг ходимларидан норози бўлишаяпти.

Районда эртаги қарам кўчатлари парник ва теплицаларда ўз вақтида далага экилмай, кўпроқ туриб қолгани учун кўчати яхши ўрамади. Натижада колхоз ва совхозлар ўтган йилнинг шу вақтида 14960 тонна карам сотишган бўлса, бу йил бор-йўғи 7649 тонна. Ҳозир ўртаги карам ҳосили йиғиштириб олинабошланди.

Ўтган йилнинг шу кунларида тайёрлов пунктлари 5 тоннадан маҳсулот қабул қилиб олган бўлса, бу кўрсаткич ҳозир 28 тоннагача етди. Район бўйича 1000 тоннадан кўпроқ тайёр карам бор. Уни қабул қилиб олишда яна шу тайёрловчилар айби билан сусткашлик қилиниб, қисман маҳсулот нобуд бўляпти.

Районда картошка, сабзавот маҳсулотларидан — карам ва пиёз сотишда ўтган йилга нисбатан анчагина орқада қолимоқда. Лекин, бошқа сабзавотлар, мева топшириш ишлари яхши кетаяпти. Сабзавоткорлар 19500 тонна помидор, 1750 тонна сабзи, 3660 тонна бодринг, турли сабзавотлардан 2450 тонна топшириб катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ўндай ютуққа улар ўтган йилнинг кузида кўпчилик эртаги экин майдонини тахт қилиб, айрим пиёз, сабзи каби экинларни экиб қўйганликлари туфайли эришишди.

Райондаги хўжаликларда сабзавот ва картошка экиш плани ошириб бажарилди. 682 гектар майдонга такрорий экин экилиб, ерлардан унумли фойдаланиш эвазига эришдилар.

Янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Социалистик мажбуриятда улар 70 гектар янги ер -ўзлаштиришга аҳд қилишган бўлса, шу кунгача 123 гектар ер ўзлаштирилиб экин экилган. Бундан ташқари 2000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Чорвачиликни мустаҳкам базасини яратиш учун курашилиб, 935 гектар янги беда экилган ва бедапояларнинг умумий майдони 5300 гектарга етказилган. Шу кунгача гектаридан 80 центнердан қуруқ беда жамғарилди. Ҳар гектар маккажўхоридан пландаги 425 ўрнига 500 центнердан силос бостирилмоқда. Мажбуриятдаги 37 минг тонна силоснинг, 33413 тоннасини, 18345 тонна дағал хашакнинг 16272 тоннаси тайёрлаб қўйилди.

Лекин, район хўжаликларида моллар туёғини қўпайтириш, ўзи, бузоқ олиш кўнгилдагидай эмас. Ҳар юз бош сигирдан мажбуриятдаги 87 бош ўрнига 45 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан 100 ўрнига 78 тадан қўзи олишди. Гўшт, тухум сотиш йиллик планларни бажаришга район хўжаликларида етарли имкониятлар бор. Агар Калинин районининг сабзавоткорлари ҳам, чорвадорлари ҳам ҳамма соҳаларда сурўатни бирдек тезлаштиришмаса йил охирида, социалистик мажбуриятни, айрим соҳаларда эса йиллик планни бажаролмай уялиб қолишлари мумкин.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Ҳошим Абдуллаев бошлиқ бригаданинг 7 гектар пайкалида 150 тоннадан кўпроқ қовоқ пишиб етилган. Яна шу колхознинг Зикрилла Юнусов бошлиқ бригаданинг 1,5 гектар ерида карам ҳосили ҳам тайёр. Ҳар гектар майдонга 37 минг тупдан кўчат экилиб, улар тўла сақлаб қолинди. Ҳозир шу майдондаги экиндан катта ҳосил кўтариш имконияти бор. Айрим тупларнинг ҳосили 15 килограммга ҳам етади. Бу колхоз сабзавоткорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, пландан ташқари яна 1000 тонна сабзавот сотамиз, деб социалистик мажбурият ҳам олишган. Афсуски шу кунгача улар тайёрлов пунктига эндигина 1555 тонна сабзавот сотишди. Уларда бир кунда 100 тоннагача маҳсулот тайёрлаб сотиш учун ҳамма имкониятлар бор. Бунинг учун колхоз правленнеси сабзавот маҳсулотлари йиғаётган кишиларни рағбатлантириш учун конкрет тадбирлар белгилаган.

Юқорида биз «эндигина» деб айтдик. Ҳа, колхозчилар етиштирган маҳсулотларни қабул қилиб оладиган тайёрловчиларнинг айби орқали шундай сусткашлик бўлаяпти. «Ташзаготплодовощторг»нинг 17-тайёрлов пункти ҳар куни кўпи билан бу колхоздан 30 тонна

МЕТАЛЛУРГЛАР ВАХТАДА

Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати ўз маҳсулоти билан жуда кўп корхоналарни таъминлаб турадi. Комбинат пармалаш ва қириш асбоблари учун қаттиқ қотишмали пўлат, сунъий олмос ва шунга ўхшаш кўпгина маҳсулотларни мамлакатимиз корхоналарига ҳам етказиб бермоқда.

Комбинат аҳли маҳсулот тайёрлаш суръатини кундан — кунга ошириб бормоқда. Ўтган йилга нисбатан маҳсулот тайёрлаш 17 процент ортди. Бу ютуққа эришишда биринчи, тўртинчи, бешинчи цех коллективлари муносиб ҳисса қўшишди. А. Жуманов, В. Аганов, Х. Салимов, М. Йўлдошев, А. Ҳамдамовлар кунлиқ ва ойлик нормаларини ортиғи билан адо этмоқдалар.

И. СЕРГЕЕВ.

Меҳнатсеварлар

Тошкент кровать заводи коллективи бу йил квартал ва ойлик планларини ортиғи билан бажармоқда.

3-, 4-цех ишчилари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун баракали меҳнат қилмоқдалар. Серобянко, Ғаниева, Муровчиклар кунлиқ топшириқларини 130 процент ва ундан ҳам ошириб адо этишмоқда.

Яқинда корхонада янги цех ташкил қилинди. Бу ерда стол, стул, илгич ва шунга ўхшаш уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Ҳозиргача 5000 дан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, савдо ташкилотларига жўнатилди.

Меҳнаткашлар талабини ҳисобга олган корхона коллективи келаси ойга қадар 20000 донадан кўпроқ маҳсулот тайёрлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Ғ. УМАРОВ.

ПОЙТАХТ ҚИШ ТАРАДДУДИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИДАН

Яқинда XII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг III сессияси бўлиб ўтди. Сессияда шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Х. А. Асомов** шаҳар хўжалигини 1969 — 1970 йиллар қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш тўғрисида доклад қилди.

— Пойтахт шаҳар меҳнаткашлари, — деди докладчи, — улуғ, мўътабар сана — доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги ошган ҳолда муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу улуғ санага пухта ҳозирлик кўриш айни ҳозирги кунларда умумхалқ мусобақасига айланиб кетди. Шаҳримиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIII съездининг тарихий қарорлари ҳамда беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани ҳар тарафлама кенг қизитиб юборишди.

Шаҳримизнинг меҳнатсевар, ақил, кўпмиллатли аҳолиси беш йилликнинг тўртинчи йили мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришда катта меҳнат зафарларини қўлга киритишди. Саноатчилар, транспортчилар, қурувчилар ўтган саккиз ойлик ишлаб чиқариш давлат планини муддатидан анча илгари, ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлишди.

Завод, фабрика коллективлари пландан ташқари бир неча минг сўмлик турли саноат ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришди.

Беш йилликнинг тўртинчи йили социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажаришда пойтахт шаҳримиз, шунингдек қардош республика винокорлари, Москва ва Ленинград қўли гул қурувчиларининг қўшган ҳиссаси айниқса салмоқли бўлди. Сўнгги уч йил давомида шаҳримизда уч миллион квадрат метрга яқин уй-жой майдони қурилди ва фойдаланишга топширилди. Шу жумладан, шу йилнинг саккиз ойи ичида шаҳарда 150 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Бошқача қилиб айтганда, 80 мингдан ортиқ тошкентлик оила яшаш учун ҳамма қулайлик яратилган янги квартираларга кўчиб ўтди. Ана шу қисқа, лекин мазмунли муддат ичида 56 та ўрта мактаб, 80 та болалар ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қуриб берилди, даволаш муассаса тармоқлари ҳам анча кенгайтирилди.

Шаҳримизда водопровод, канализация, иситиш ва газлаштириш тармоқларини кенгайтириш юзасидан ҳам катта ишлар амалга оширилди. Шаҳар водопровод тармоқларининг бир кунлик сув етказиб бериш қуввати 115 минг кубометрга оширилди. Шаҳар кўчаларига 250 километрга яқин магистрал газ тармоқлари ётқизилди. Айниқса, шаҳарда пассажирлар ташиш транспорти ишини яхшилаш борасида бирмунча натижалар қўлга киритилди. Олтмиш километрдан ортиқ трамвай ҳамда 30 километрдан ортиқ троллейбус линиялари ишга туширилди. Шаҳар аҳолисини узоғини яқин қилаётган трамвай, автобус, троллейбуслар сони анча кўпайди. 5 миллион квадрат метрдан ортиқ йўл чеккалари, майдонлар бутунлай қайтадан ремонт қилинди ва ободонлаштирилди. Шу йиллар ичида шаҳарда, савдо, умумий овқатланиш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхона тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг аҳолига кўрсатаётган хизматини анчадан яхшилаш борасида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди.

Иллимизнинг якунланишига саноқли ойлар қолди. Зиммамизга олган социалистик мажбуриятларимизни ортиғи билан бажариш ана шу ғанимат ойлардан унумли фойдаланишимизга, қишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўришимизга боғлиқ. Саноатчиларимиз, қурувчиларимиз, шаҳримизнинг кўптармоқли хўжаликлари ҳозирда қишга тайёргарлик кўришнинг ҳал қилувчи кунларида туришибди. Ўтган йилги совуқ келган қиш бизга анча сабоқ берди. Бундан тўғри хулоса чиқарган кўпгина саноат корхоналари ҳозирданоқ иссиқлик ва хом ашё запасларини тайёрлаб қўйишди. Бир қатор ишлаб чиқариш ва маиший бинолар қишга мослаштирилди.

Ўтган йилги қиш совуқлари, айниқса, шаҳар уй-жой коммунал хўжалиги ишини издан чиқарди, десак муболаға бўлмайди. Ана шуни ҳисобга олиб, бу соҳада кўпгина тайёргарлик ишлари кўриб қўйилди. Шу йил сентябрь ойига қадар ремонт қилиниши керак бўлган 134 минг квадрат метр уй-жой майдонидан қарийб 79 минг квадрат метр уй қишга тахт қилинди. 1380 уйдаги марказий иситиш системалари қайта ремонт қилинди ва фойдаланишга топширилди. Шаҳар мактаблари, болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникаларни қишга тайёрлаш ўтган йилга нисбатан бирмунча яхши йўлга қўйилди. Шаҳар хўжалигини қишга пухта ҳозирлаш ишида шаҳар Советининг доимий комиссиялари, депутат группалари ва жамоатчилик актив қатнашмоқдалар.

Докладчи ва музокарада қатнашган депутат ўртоқлар беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажариш йўлида эришилган ютуқларни қайд қилиш билан бирга, айрим район Советлари ижроия комитетларининг ўз территорияларидаги корхона ва муассасаларнинг кузги ва қишки шароитда унумли ишлашга мослаштириш ва пухта ҳозирлик кўришда учраётган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтишди. Айрим район Советлари ижроия комитетлари, бир қатор бошқарма раҳбарлари ўтган йилги қиш сабоқларидан ҳали ҳам тегишли хулоса чиқариб олмаганлар.

Қиш шаҳримиз эшигига яқинлашиб қолганига қарамай, «Ўзбекгидроэнергострой», «Таштеплосеть» раҳбарлари ҳамон майда қадам билан ишлашмоқда. Шу йил сентябрь ойигача пландаги 13 километр ўрнига бор-йўғи фақат 4 километр узунликдаги иситиш тармоқлари ремонт қилинган. Шунингдек, «Главташкентстрой»нинг ихтисослаштирилган қурилиш трестлари ҳам уй-жой, мактаб, касалхона, болалар боғчаси ва яслиларини иссиқлик тармоқлари билан улаш ишларини нечиктириб юборишмоқда. «Главташкентстрой» раҳбарларининг бир неча бор огоҳлантирилганига қарамай, улар кўпгина объектлар иссиқ сув билан таъминланмасдан илгари фойдаланишга топшириб юборишмоқда.

Музокарада сўзга чиққан шаҳар Совети коммунал хўжалиги ишлари бўйича доимий комиссиясининг раиси, депутат **А. К. Эргашев**, «Ташсантехмонтаж» трестининг сантехник бригадири депутат **А. Ш. Остонақулов** ўртоқлар сессия қатнашчилари эътиборини шаҳар уй-жой бошқармаси иш фаолиятида учраётган камчиликларга қаратишди. Шуни ачиниш билан қайд этиш керакки, уй-жой фондларини ремонтдан чиқариш плани бор-йўғи 62 процент қилиб бажарилди. Иситиш печлари, мўриларни ремонт қилиш эса 75 процент бажарилган. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд 91 та иситиш қозонларидан ҳозиргача фақат 43 тасигина ремонт қилинган.

Шунингдек, музокарада «Ўзтеплосеть» бошқарувчиси **Н. И. Батарин**, Ленин район ижроия комитетининг раиси **Л. И. Тиханова**, «Водоканал» трестининг бошқарувчиси **М. Хўжаев**, «Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари **А. К. Каримов** ва шаҳар партия комитетининг секретари **В. В. Окунский** ўртоқлар қатнашишди.

Сессия қатнашчилари, шунингдек, шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари **С. Б. Норқўзиев ва Г. И. Лебедов** ўртоқларнинг Тошкент шаҳрида ободончилик, санитария ва жамоат тартибини сақлаш қоидалари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1969 йил 27 март «Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашларига маданий-маиший ва савдо хизматини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори Тошкент шаҳрида ва область шаҳарларида қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини тинглашди.

Сессияда шаҳар хўжалигини қишга ҳар томонлама пухта тайёрлаш ва бу йўлдаги камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

САТТОР Раззоқов Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг пешқадам бичиқчиси. У қарийб 25 йилдан буён шу корхонада сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

КОРХОНАДА тобора авж олаётган ўзаро мусобақада М. Трушина ва Л. Рязанцева ўртоқлар ҳам олдинда боришяпти.

ИЛҒОР бичиқчи М. Толипов эса 36 йилдан бери шу фахрли касбда. У ҳар ойда 5—6 процентдан чарм тежаб қолишга эришмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ПАРТИЯ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

Яқинда Карл Маркс номли колхоз партия комитетининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар партия комитети ҳисобот даврида меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишлар савиясини яхшилаш, колхоз правленияси фаолияти устидан контроллик олиб бориш жараёнида бирмунча ишлар қилинганини айтиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда колхоз партия комитети сон жиҳатдан ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Коммунистларнинг колхоз олдида турган сиёсий хўжалик вазифаларни адо этишдаги авангардлик роли ва активлиги ортди. Ҳозир партия комитетининг ҳузурида далачилик бригадалари, чорвачилик фермалари ва бошқа тармоқларда ўз ҳисобида 70 га яқин коммунистни бириктирган 8 та цех партия ташкилоти ишлаб турибди.

Лекин шунга қарамай, партия комитетининг хўжалик ишларига кўпроқ берилиб кетиб, партиявий-оммавий ишларга етарли аҳамият бермаётганлиги музокарага чиққан кўпчилик коммунистларнинг нутқидан очиқ-ойдин сезилиб турди.

Партия сафларининг ўсишини олиб қарайлик. Ҳисобот-сайловлардан бери ўтган вақт ичида партия комитети КПСС аъзолигига кандидатликка 5 кишини қабул қилди. Аммо 8 та цех партия ташкилотидан 4 тасида — 1, 8-бригадалар, ферма ҳамда марказий устахона цех партия ташкилотларида шу давр ичида бирон киши ҳам партия сафига тортилмади. Ваҳоланки, бу цех партия ташкилотларида меҳнатда ўрнак кўрсатаётган, актив жамоатчи механизаторлар, сигир согувчилар, оддий колхозчи қиз-йигитлар кўплаб топилади. Аммо колхоз партия комитети ана шу цех партия ташкилотларига нисбатан талабчан бўлмади.

Механизатор Ҳосият Сандаҳмедова, ўз нутқида партия комитетининг хотин-қизлар совети ишига раҳбарлиги масаласига тўхталиб, танқидий мулоҳазаларни айтиб ўтди. Ачинарли жойи шундаки дейди у, колхоз правленияси механизаторлар тайёрлаш курсига ҳар йили кўплаб хотин-қизлардан ўқишга юборади. Уларга маблағ сарфлайди. Аммо мактабни битириб қайтгач, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун колхоз правленияси ва партия ташкилоти етарли шароит яратиб бермайди. Шу сабабли қам улардан айримлари механизаторлик касбини ташлашга ёки бўлмаса, колхоздан кетиб қолишга мажбур бўлишмоқда.

Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг Тошкент область партия комитети ҳисоботи ҳамда Ўрта Чирчиқ район партия комитети фаолияти юзасидан қабул қилган қарорларининг бажарилиши коммунистларнинг диққат марказида бўлди.

Доклад юзасидан сўзга чиққан халқ контроли группасининг раиси А. Барсуков, бригада цех партия ташкилотининг секретари К. Азизов, зоотехник К. Нурболтаев ва бошқа нотиқлар оммавий-сиёсий ишлар савиясини янада яхшилаш хўжаликнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш, айниқса чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш масалаларига тўхтаб, ўз мулоҳазаларини айтиб ўтдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, терим агрегатларидан унумли фойдаланиш, давлатга пахта, сабзавот, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотлари етказиб бериш план-топшириқларини муддатидан илгари бажариб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан тадбирлар белгиланиб, конкрет қарор қабул қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида колхоз партия комитетининг янги состави ва унинг секретари қилиб Х. Ўринбоев сайланди.

К. ПУЛАТОВ,

Ўрта Чирчиқ райони.

Ютуқлар калити

«Ташавтомаш» заводининг меҳнатсеварлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш ва беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

— Заводда иккита асосий ва иккита ёрдамчи цех учун мукофотли ўринлар белгиланган, — дейди завод касаба союз комитетининг раиси И. Лукьянов. — Техника ва экономика бўлимлари ҳам иккита мукофотли ўрин учун курашмоқдалар.

Корхонада мусобақа илғорларини мукофотлаш учун катта маблағ ажратилган. Масалан, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни ойлик ва йиллик кўрсаткичлар бўйича рағбатлантириш учун 150 минг сўм пул мукофоти ажратилди. Йиллик натижага қараб бериладиган бу мукофот заводда ўн учинчи маош деб аталади.

Цехлараро мусобақада 7-цех коллективи пешқадамлик қилмоқда. Бу цехда илғари автомобиллар учун тирсакли валлар, муфта ва шестерялар, ҳар хил эҳтиёт қисмлар шунингдек, заводда ишлаб чиқариладиган прицеплар ва автопоездлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрланарди. Ҳозир бу ерда «Т-28Х4» маркали тракторнинг зарур қисмлари ҳамда бошқариш механизмлари ишлаб чиқариляпти. Цех коллективи олти марта корхона кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Ишлаб чиқариш участкаларида ҳам мусобақа кенг йўлга қўйилган. Мастер Николай Гребенкин бошлиқ гидравлика участкаси ва мастер Александр Лавник бошқараётган участкалар анча вақтдан бери ўзаро мусобақадош. Ҳар икки коллектив жадал суръатлар билан ишлаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ойлик планларини доимо 115-120 процентга етказиб бажаришяпти. «Ҳурмат тахтаси»га ёзилаётган пешқадамлар сони тобора кўпаймоқда. Слесарь А. Ёрматов, токарь В. Сулаймонов, механик Э. Исмоилов, шофер Д. Ёқубов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзаро мусобақа ишнинг сифатли ва унумли бўлишида асосий омил бўлмоқда.

С. ОСТОНОВ.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК ҚАНИ?

Матбуот обзори

Оққўрғон районининг хўжаликлари кўптармоқлидир. Бу ерда пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга кўплаб каноп ҳам етиштирилади. Саноат корхоналари ҳам анчагина. «Мўл ҳосил учун» газетаси халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш борасида район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига ёрдам бериб келмоқда. Газета саҳифаларини варақлар экансиз, хўжаликни юритишнинг илғор тажрибасига оид ибратли мақолаларни ўқийсиз.

Масалан, «Дончилик ривожланмоқда», «Мўл ҳосил калити» сингари мақолаларда авторлар ўзларининг илғор тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Пахта, луб, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштириш учун нималарга амал қилиш кераклиги ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, қимматли маслаҳатлар берадилар.

Газета саҳифаларида агрономлар, механизаторлар, қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари томонидан ёзилган материалларга ҳам ўрин бериб турилади. Қишлоқда олиб борилаётган маданий-маиший ишлар, мактаб ҳаёти, милиция органлари иш фаолиятига оид мақолалар ҳам босилади.

Буларнинг ҳаммаси газетхонларни қувонтиради, албатта. Бироқ, газета ишига КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда район газеталарининг ролини ошириш ҳақида»ги қарори нуқтан назаридан баҳо бериладиган бўлса, у ҳолда редакция ишида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлади.

Сиртдан қараганда материаллар хилма-хил, ҳар бир соҳага эътибор берилаётганга ўхшаб кўринади. Кўплаб қизиқарли рубрикалар бор: «Сўз — ишлаб чиқариш илғорларига», «Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар», «Врач минбари» «В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига », «Педагогнинг айтганлари», «Келинг, кулишайлик», «Газетхонлар муҳокама қиладилар» ва бошқалар.

Бироқ шуни айтиш керакки, ана шу рубрикалар остида берилаётган материалларда жанговарлик, аниқ бир мақсад, ҳозиржавоблик, изчиллик сезилмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз В. И. Ленининг 100 йиллиги юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Газета ёркин мисолларда Ленин орзулари бу районда қандай амалга ошаётганлиги, қишлоқларда бўлаётган буюк ўзгаришлар, деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқа касб эгаларининг маданий ва маиший ҳаётидаги янгиликларни кўрсатиб бериши керак. Бироқ «В. И Ленин 100 йиллигига» рубрикаси остида берилаётган материаллар бу талабга жавоб бермайди. Уларнинг кўпчилиги В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятига оид, В. И. Ленин 100 йиллиги олдидан маҳаллий ҳаётга оид материаллар жуда кам босилмоқда.

«Партия турмуши» рубрикаси остида берилаётган материаллар ҳам юзаки бўлиб қолмоқда. Улар асосан қишлоқ хўжалиги темасидаги кенгайтирилган мақола характерига эга бўлади. Масалан, «Кун тартибида чорвачилик» мақоласини олиб кўрайлик. Мақолада чорвачиликка оид кўплаб рақамлар келтирилади. Лекин ферма коммунистларининг фаолияти, уларнинг омма ўртасида олиб бораётган сиёсий-ташкилий ишлари, ташаббуслари таҳлил қилинмайди. Партиявий ишлар ҳақида икки-уч оғиз сўз айтилади. Масалан. «Чорвадорлар орасида оммавий-сиёсий ишлар жонланиб кетди», дейиш билан чегараланилади.

Халқ назоратчилари — эл мулкининг ҳушёр соқчилари. Улар белгиланган план ва топшириқларнинг бажарилишига самарали ёрдам бермоқдалар. Аммо газетада назоратчиларнинг фаолиятига жуда кам ўрин берилади. Кейинги тўрт-беш ой давомида халқ назоратчиларига бағишланиб деярлик биронта ҳам саҳифа берилмади. Партия турмушининг бошқа соҳалари ҳам қониқарсиз ёритилмоқда. Сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар ва партия ўқуви тўғрисида берилган мақолалар ҳам кўпинча юзаки бўлади.

Газета саҳифасидан иқтисод қилиб фойдаланишга эътибор берилмайди. «Кулгили сатрлар» ва «Натуралист блокнотидан» рубрикаси остида берилган латифаларнинг кимга кераги ва қандай тарбиявий аҳамияти бор?! Уларнинг бирида айтилишича, қиш вақтида ошхонада палов тайёрлашаётган экан. Ёғни доғ қилиб, гўштни босишибди. Қозонга туруч солмоқчи бўлишганида, бирдан қарга учиб келиб унинг ичидан гўштни олиб кетибди. Палов ни бошқатдан тайёрлашга тўғри келибди. Шу ҳам латифа бўлдими? Автор нима демоқчи?

Юқоридаги сингари ғоясиз, телба-тескари мақолалар газета саҳифаларида тез-тез учраб туради.

Ҳозир дала ишлари қизғин бораётир. Деҳқонлар пахта йиғим-терими-га, чорвадорлар эса қишловга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳар бир касб эгаси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўз зиммасига конкрет мажбурият олгани ҳолда меҳнат қилмоқда. Ана шу муносабат билан ҳам газета ўзининг жанговарлигини ошириши, ҳар бир соҳага, қишлоқда бўлаётган ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиши керак. Илғор хўжаликларнинг дала ишларини ташкил қилиш соҳасидаги тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Камчиликларни аёвсиз фош қилувчи материаллар тез-тез бериб борилиши зарур.

Афсуски, газетанинг ҳозирча бу соҳада қилаётган иши талабга жавоб бермайди. Район партия комитети ҳам газетанинг фаолиятидаги бу камчиликларига бефарқ қараб келмоқда. Бизнингча бу нотўғридир. Район партия комитети газета редакциясига конкрет ёрдам кўрсатиши керак.



Озарбайжон республикасининг пойтахти Бокуда метрополитен қурилмоқда. Бу янги транспорт иншоотн қурилиши жадал суръатлар билан давом этяпти. Суратда: Боку метрополитен қурилишида.

(ТАСС фотохроникаси).

КЕРАМЗИТ „ОРИҚЛАДИ“

Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида илгари бир тонна келадиган керамзит буюмлар 1 центнер «ориқлади». Ўзига хос инъекция керамзитнинг енгилроқ бўлишига ёрдам берди. Қоришмага синтетик елим билан канифолдан иборат химиявий препарат қўшилади. Натижада ҳаво қоришмага осонроқ ўтиб бориб, кўп кўпик вужудга келтиради.

Кўпикланган қоришма буюм вазнини енгиллаштирибгина қолмай, унинг пишиқлиги ва иссиқлик изоляция қилиш хусусиятини икки баравар оширади. Масалан. Тошкентда бунёд этилаётган биноларга келтирилаётган безак керамзит бетон плиталар ташиладиган чоғида ҳеч ҳам шикастланмайди. Илгари ташиб келтирилган керамзит буюмларнинг чиқити 10 процентга етган бўлса, эндликда чиқити йўқ, дейиш мумкин.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ СЕМИНАРИ

Яқинда область колхоз ва совхозлари халқ контроли группалари раисларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажаришда колхоз ва совхозлар халқ контроли группалари ва постларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладдан сўнг бир қатор колхоз ва совхозлар халқ контроли группалари раислари пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш даврида қишлоқ назоратчилари кўрадиган тадбирлар ҳақида ахборотлар бердилар. Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози халқ контроли группасининг раиси Охунов, Бўка районидаги «Бўка» совхози халқ контроли группасининг раиси Ким Сергей, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози халқ контроли группасининг раиси Ким Сан Фир, Бўстонлиқ районидаги 13-совхоз халқ контроли группасининг раиси Одинаев, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз халқ контроли группасининг раиси Хожимирзаев ва бошқа ўртоқлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, область халқ контроли комитетининг раиси Ш. Ш. Шомуҳиддиновнинг 1969 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қабул қилган қарорни бажаришда колхозлар ва совхозлар халқ контроли группалари ва постларининг вазифалари ҳақидаги докладни ҳам тингладилар.

ЮҚОРИ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Болахон аянинг икки кўзи кенг пахтазорда. У узоқ-узоқларга боқиб, қандайдир хаёлларга чўмган. Майин эсаётган тонг шабадаси ғўза барглариии оҳиста чайқатар, аянинг қалбига ором бахш этарди.

Ҳа, бригадир қувонса арзигудек ишлар қилинди. Ҳар бир гектар ерда 90-95 минг тўп кўчат ўстирилди. Уларнинг ҳар бири бақувват, ривожланиши . кўнгилдагидек. Бригадир аста энгашиб бир туп ғўзадаги тўлиқ кўсакларни санай бошлади. Ўн учта. «Бу гектаридан 30 центнердан ҳосил деган гап», ўзича тахмин қилди Болахон ая. Мазкур қартада тўпланган баракали ҳосилдан кўнгли таскин топган бригадир қўшни қартага ўтди.

Сувчи Зулфиқор Жўрабеков эгат ораларига ҳаёт чашмасини тарамоқда эди. Унинг бутун фикри-зикри сувда. Ҳар бир туп тўзани усталик билан, бир меёрда суғорянти. Шу пайт звено бошлиғи Алижон ака келиб қолди. У ая билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, звено ишлари ҳақида гапирди.

— Кеча дала чеккаларини текислаб, машина теримига тайёрлаб қўйдим. Учинчи сув бугун эрта тугайди. Бегона ўтлар тозаланди. Бугун эса мана бу қартанинг ҳам ёқ-атрофларини машина бемалол бурилдиган қилиб текисламоқчиман. Сабош, Нурия. Обида ва бошқа қизларингиз қолган-қутган бегона ўтларни юлмоқдалар. Зулфиқор ҳам тушгача суғориб бўлса керак. Сўнгра ён қартага тушади.

— Ишларингдан қутилиб устахонага ўтгин, — маслаҳат берди бригадир. — Техникаларни яна бир бор кўздан кечириб чиқиш керак. Пахта териш машинасини сифатли ремонт қилибсан, эшитдим. Энди трактор, прицеп ва кўрак терувчи машиналарни ҳам тахт қилиб қўйсак...

Бригадир шу куни Содир Алавутдинов бошлиқ биринчи звено далаларида ва Чаху Бесинов раҳбарлик қилаётган 3-звенода бўлди. Миришкор сувчилар, колхозчиларнинг ишларини кўриб қувонди. Ийл-йўлакай иш жараёнида учраган камчиликларни кўрсатиб, бартараф этиш йўлларини айтиб ўтди.

Кекса коммунист Болахон Назозова деҳқончиликда суяги қотган ҳурматли аёллардан ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши қизғин тус олган, қишлоқларда ўглонлар ўрнида жасур опа-сингилларимиз туриб тинмай меҳнат қилаётгай 1944 йилда аяни биринчи бригадага бошлиқ қилиб тайинлашади. У тез орада қишлоқ хотин-қизларининг нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатади. Бригадада ҳосилдорлик йил сайин ошиб борди. Бригадирнинг ишбилармонлиги, ташкилотчилиги ва ғайрати туфайли уч йил деганда илғорлар даражасига етиб олди. 1947 йилда пахтадан юқори ҳосил кўтарилди.

Партия ва ҳукуматимиз аянинг пахтачиликдаги кўрсатган хизматларини юксак тақдирлаб уни Ленин ордени билан мукофотлади.

— Доҳий юбилейига муносиб совға билан келмоқчимиз, — дейди Болахон ая. — 180 гектар ердан 30 центнердан ҳосил тўплаш ниятидамиз. Бу йил давлат хирмонига 500 тонна пахта тўкамиз.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Боқижон Субонов ва бош агроном Ўринбой Абдураҳмонов билан кўплаб звено далаларида бўлдик.

Анорбой Қўшмуродов 23-звенога раҳбарлик қилади. Етиштирган ҳосил кўзни қувонтиради. Ҳар бир туп ғўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсак тўпланган. Миришкор сувчилар, ишчан колхозчиларнинг фикри-зикри далаларда мўл ҳосил тўплаб она-Ватан олдида берган ваъдаларининг устидан чиқишдир. Эгат ораларида сув тараётган моҳир миришкор Маҳмуд Сангиров, Эшбой Шерназаров, Жуман Маматовлар, далада ишлаётган Муҳаббат Холбўтаева, Зарбой Алибоева, Боғланой Ҳайдаровалар ғўза тупларини авайлаб парвариш қилиб ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар гектаридан пландаги 24 ўрнига 30 центнердан ҳосил етказиб, бериш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1969 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорида ёслгиланган тадбирларни атрофлича муҳокама қилдик, — дейди партком секретари. — Шу муносабат билан яқинда кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда хўжалик аъзолари билан далаларда етиштирилаётган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш бўйича бир қатор тадбирларни белгилаб олдик. Пахта териш планини 30 октябргача, мажбуриятни эса 7 ноябрь байрамигача бажариш ниятимиз бор. Далаларда 36 та «зангори кема» жавлон уради. Ҳосилнинг 75-80 процентини пахта териш агрегатларида йиғиштириб оламиз.

Хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида давлат хирмонига 4 минг тонна «оқ олтин» армуғон этмоқчилар. Ҳар бир гектар ердан пландаги 24 ўрнига 27 центнердан ҳосил тўплашмоқчи. Сентябрь ойининг ҳозирги масъулиятли ва долзарб кунларида пахтазор ичра меҳнат сурури жўш урмоқда.

Миришкор деҳқонлар 4 минг тонналик хирмон тўплаш мақсадида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

И. ЮСУПОВ.

Оққўрғон район, «Ленинобод» колхози.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Октябрь» колхозининг томат цехи коллективи ҳозиргача 200 минг банкадан ортиқ томат, шунингдек помидор, бодринг ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кўплаб консервалар тайёрлашди. Помидор шарбати эса цистерналарда Ғазалкентдаги консерва заводига жўнатилмоқда. Суратда: цехнинг пешқадам ишчиларидан М. Исломова (чапда), У. Эргашева ва И. Бейсокенова ўртоқлар иш устида.

А. АБАЛЯН фотоси.

КУРСАНТЛАР ХУРСАНД

Тошкентдаги умумқўшин ва танк командирлари олий мактаби курсантларининг ўқишида ҳозиргача ўнлаб янги автомат ва программалаштирувчи қурилмалар яхши кўмакчилар бўлиб қолди. Улар синфлар ва кабинетлардан полигонлар ва тактика майдонларигача чиқиб борди.

Масалан, келажакда бронетанк бўлинмаларининг командирлари бўладиган кишилардан ўқ узиш бўйича имтиҳон қабул қилиш энди махсус автомат қузатувчи зиммасига юклатилганки, у отиш натижаларини шу заҳоти шуъланувчи таблога чиқазиб беради. Харакатланувчи нишонларни радио орқали бошқариш ҳам шу ерда биринчи марта қўлланилди.

Умумқўшин мактабида ҳам камдан-кам машғулот автоматикасиз ўтади. Ақлли ва аниқ ишлайдиган асбоблар электротехника ва жанговар машиналарни ҳайдаш синфларида курсантларнинг олган билимларини синашда педагогларга ёрдам бермоқда.

Мактабларнинг ўқув қуроллари арсенали ҳам электрлаштирилган стендлар макетлар, кинопроекторлар, магнитофонлар билан анча тўлдирилди. Булар курсантларнинг мураккаб жанговар фанни миваффақиятли ўзлаштиришларига ёрдам бермоқда.

(ЎзТАГ).

РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР!

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

«Даволаниб, оёққа туриб кетган киши ўз шифокорининг номини ҳурмат билан тилга олади. — деб ёзади газетхон **О. Ашрапов.** — Бекобод район касалхонасининг шифокори Раимқул Абдурасулов ҳам бундай миннатдорчилик сўзларини кўплаб беморлардан эшитган».

Пойтахтимиздаги 9-автобазанинг шофери **Т. Гофуров** ва бошқалар редакциямизга хат йўллаб, 10-шаҳар касалхонаси моҳир врачларининг олижаноб хизматлари ҳақида ёзишган. Айниқса, Н. Солихова, Э. Ривкина, Э. Зуҳурова ва бошқа шифокорлар ширинсуханликлари ва меҳрибонликлари билан беморлар ҳурматини қозонишмоқда.

Газетхон **Ф. Болтабоева** Янгийўл шаҳар касалхонаси врачлари ҳақида илиқ гапларни айтган. Миннатдорчилик сатрлари газетахонлардан **А. Аҳметов,** Бўка районидаги Жамбул номли колхоз **М. Қорабоев** (Тошкент), **Н. Мосиднқов** (2-«Оҳангарон» совхози)лардан олинган мактубларда ҳам битилган. Улар Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг **Г. Хонаев,** Тошкенддаги 16-касалхонанинг **Х. Сафарова,** 2-«Оҳангарон» совхозининг **Т. Толипов** каби шифокорларнинг шу кунларда қилаётган ишларини ҳикоя қилишади.

Шунингдек, редакциямиз газетхонлардан **О. Орипов, Х. Сулаймонов, С. Абдувалиев** ва **Э. Бурхоновлардан** ҳам хатлар олди. Уларнинг бирида Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли комбинат врачлари ҳақида ёзилса, яна бирида Чиноз марказий касалхонасининг жонкуяр шифокорлари меҳнатлари мадҳ этилади. Учинчисида эса Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхозда беморларга кўрсатилаётган медицина хизмати намунали йўлга қўйилганлиги айтилган

Али ТУҚУМБОЕВ.

ИҚРОР

ҲИКОЯ

Олмадой эрининг феълини яхши билгани учун ётиги билан тушунтиришга уринди:

— Ўйлаб кўр, дадаси, яна бир карра ўйлаб кўр. Агар қизимиз яхши кўрган йигити билан никоҳ қолса, ҳолимиз нима кечади? Бу-ларнинг тақдирини биз ҳал қилиб беролмаймиз-ку, ахир? Кўнгил ишида зўравонлик кетмайди. Ўзинг ҳам бир пайтлари ёш бўлгансан-ку. Эсингдами, мендан бошқасига уйланмайман, деб оёқ тираб туриб олгансан.

— Гапинг тўғри, — деди Собир зўрма-зўраки жилмайиб. — Аммо ёлгиз қизимизга ёмонликни раво кўраётганимиз йўқ-ку? Уни бахтли бўлсин, деймиз. Сен бўлғуси куёвимизни танийсанми? Қўшни колхозда ҳисобчилик қилади. Биласан-ку, ҳисобчиларни кўришга кўзим йўқ. Айниқса уларнинг бутун дунёдан воз кечиб чўт қоқиб ўтиришганини кўрганимда тепа сочим тик бўлиб кетади. Бунақа пайтларда уларга дардингни айтиб овора бўлма, лоақал бошини кўтариб қараб ҳам қўйиш-майди. Нега ўзинг тузукроқ ўйлаб кўрмаяпсан? Қизимиз янглишаяпти, ахир. Хато қилянти. Эркак деган эркакка ўхшаб юриши керак. Ҳақиқий йигит бўлиши керак. У чақмоқдек чақнаб, юракни ёндира билиши лозим. Мана шунақа йигит Жипарга муносиб қайлиқ бўла олади.

— Бу гапларимни яхшилаб уқиб ол, — гапида давом этди у, — агар сен қизинг билан ўз билганларингча иш тутадиган бўлсаларинг, мени ўз ҳолимга қўйинглар. Қариб қолгай бўлсам ҳам амаллаб бир кунимни кўриб кетарман. Яйловга чиқиб, тулпорларимни боқиб юраверaман.

Миллий спорт ўйинлари байрами яқинлашиб қолгани сари колхоз отбоқари Собир зўр бериб тулпорларини машқ қилдирар, унинг на ебичишида, на уйқусида ҳаловат бор эди. Қишлоқ ёш-яланглари унга қўмаклашиб, атрофида гирди-капалак бўлиб юришар, қария эса уларга отлар ҳақида ўз фикрларини айтиб, адо қилолмасди.

— Мен бу отга бекорга «Қоракўз» деб ном қўйибман. Уни «Чақмоқ» деб атасам бўларкан. Мана кўрасизлар, пойгада шамолга ҳам тутқич бермайди, — деди Собир йигитлардан бирига юзланиб. — Сен чайирсан, билагинг бақувват. Пойга бошланганида кўп олдинга ўтиб кетма, орқада ҳам қолма. Маррага яқинлашганингда отнинг бошини қўйиб юбор, — ўзи елдек учиб кетади. — Собир ёнидаги бошқа отнинг яғринига шаппатилаганича меҳр билан тапирди. — Мана «Олмабош»ни олиб кўрайлик, исми жисмига мос. От жонивориинг бошқа қанча кичик бўлса, шунча чопағон бўлади.

Кекса отбоқар отлари ҳақида ҳамиша «менинг тулпорларим» деб эркалатиб гапирарди. Кейинги пайтларда у отларга яна ҳам меҳрибон бўлиб қолган, уларни худди ёш боладек силаб-сийпаларди. Отларини мақтаганича ҳам бор. «Қоракўз» уч йилдан бери биринчи мукофотни олярти.

Баъзан кекса отбоқар бирор отнинг ёнига келиб ўзича гапга тушиб кетади: «Сизлар билан худди одамлардай гаплашганим учун мени майна қилишса қилишаверишсин. Хўш, сен билан гапни бир жойга қўйиб олайлик-а. Пойга бошланганда мени шарманда қилиб қўйма, ўқдингми?»

Собирнинг ғалати одати бор. Отларини қандай машқ қилдиришини бировларга кўрсатмайди. Аммо ўзи бировлар мусобақага қандай тайёргарлик кўришаётгани, ва отларни қандай машқ қилдиришаётганини кузатишни яхши кўради.

— Эртага, пойга бўлади, — деди Собир бир куни ўз ёрдамчиларига, — менинг тулпорларимни бир чоптириб кўринглар.

Ёш чавандозлар отларни қуришаб олишди. Тўсатдан Собир қўлини соябон қилиб олисга қаради-да, тўнғиллади.

— Бу ёққа биров келяпти.

— Маанек-ку! Қўшни колхозлик ажойиб чавандоз, — деди йигитлардан бири.

Офтобда тусини йўқотган гимнастерка қийган йигит от чоптириб етиб келди. Эпчиллик билан сакраб пастга тушди-да, қамчинни эгарга қистириб, очиқ чеҳра билан саломлашди.

Маанекнинг қамчинни эгарга қистириб қўйгани, шошқалоқлик билан келиб саломлашгани Собиргагина эмас, ҳатто ёшларга ҳам жуда манзур бўлди. Бу юксак ҳурмат белгиси эди.

Катта оқ қашқали жийрон эгасининг ортидан эргашиб келаверди. У гоҳ тумшуғини Маанекнинг елкасига ишқар, гоҳ сувлиқни шиқирлатиб ер тепинарди. Собир Маанекнинг отидан кўз узолмай қолди. От ниҳоятда келишган, чиройли туюлиб кетди.

— Собир ота, — деди Маанек кекса отбоқарга юзланиб, — мана ўттиз йилдирки, сиз ажойиб чоп-

(Охири тўртинчи бетда).

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОФИЯДА ПАРАД ВА НАМОЙИШ

СОФИЯ, 9 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Болгариядаги Социалистик Революциянинг 25 йиллиги муносабати билан бу ерда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши бўлиб ўтди. Георгий Димитров мавзолейи минбарида Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Тодор Живков, Халқ Мажлиси Президиумининг раиси Георгий Трайков, Болгариянинг бошқа раҳбарлари, Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ва байрамларда қатнашмоқ учун Болгарияга келган бошқа чет эл делегацияларининг бошлиқлари бор эди.

Байрамлардагидек безатилган майдондан Болгария халқ армияси қўшинлари барча турларининг қисмлари ўтишди.

Параддан сўнг София меҳнаткашларининг намойиши бўлди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ МУВАҚҚАТ РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматининг Вьетнамга бағишланган Париж кенгашидаги делегациясининг вакили бугун матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни берди:

Миллий озодлик фронтининг ва Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматининг топшириғига биноан Жанубий Вьетнам халқ озодлик кучлари қўмондонлиги барча ҳарбий хизматчиларга 1969 йил 8 сентябрдан 11 сентябрга қадар уч кун ҳужум операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида буйруқ берди. Бу буйруқ Вьетнам миллатининг улуғ ва ҳурматли раҳбари, ўзининг бутун ҳаётини Вьетнамнинг мустақиллиги, озодлиги, бирлиги ва қамкорлиги учун курашга бағишланган Президент Хо Ши Мин хотирасини чуқур ҳурматлаш ва унга таъзия билдириш мақсадларида Жанубий Вьетнам ахолисининг, шу жумладан қўғирчоқ армияси солдатларининг ва сайгон маъмурияти вакилларининг ҳам қатнашишини уюштира олиши ва шу мақсадларда иштирок этиши учун қулай шароит вужудга келтириш мақсадида берилди.

Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари қўмондонлигининг ҳужум уруш операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида берган буйруғини Тхиеу Ки — Кхием маъмурияти Қўшма Штатларнинг кўрсатмасига амал қилиб, назар-писанд қилмади.

Бу нарса Жанубий Вьетнам аҳолиси, шу жумладан Сайгон маъмурияти ва армиясининг кўпгина вакиллари ҳам Президент Хо Ши Минга чуқур муҳаббат ва ҳурматни зўр куч билан изҳор қилаётганликларини, Вьетнам халқи Америка агрессиясига қаршилик кўрсатиш ишининг тантана қилишига Президент Хо Ши Мин бошлаб берган ишни ғалаба қилиш ишининг тантана қилишига эришишга маҳкам бел боғлаганлигини кўриб, Қўшма Штатлар ва Сайгон маъмурияти ваҳимага тушиб қолганлигидан далолат беради.

Америка агрессорлари ва уларнинг хизматкори бўлган Сайгон маъмурияти ўзларини Жанубий Вьетнам аҳолисининг, шунингдек бутун дунёдаги прогрессив халқларнинг ҳам, шу жумладан Қўшма Штатлар халқининг ҳам энг муқаддас ҳис-туйғуларига ва истак орзуларига қарши чиқаётган милитаристлар ва реакционерлар эканликларини яна бир марта фош қилдилар. Улар бошқача йўл тутишни истамай, ўжарлик қилаётганликларнинг оқибатлари учун тўла равишда жавобгар бўлишлари лозим.

КООПЕРАТОРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ

ВАРШАВА, 9 сентябрь. (ТАСС). Кеча Варшава яқинидаги Мендзишинда кооператорларнинг халқаро семинари очилди. Семинарни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлими билан Польша Халқ Республикасининг бош кооператив кенгаши уюштирди. Жамиятни ижтимоий профессионал активлаштиришда кооператив ҳаракатининг ролига бағишланган семинар ишида БМТ бош секретари, Юнеско, халқаро меҳнат ташкилоти ва халқаро кооператив Альянси вакиллари, шунингдек жаҳоннинг 17 мамлакатидан келган делегациялар, шу жумладан Жазоир, Буюк Британия, Венгрия, Дания, Италия, Бирлашган Араб Республикаси, Польша, Сурия, Совет Иттифоқи, Туркия, Франция, Германия Федератив Республикаси, Швейцария, Чехословакия делегациялари қатнашмоқда. Москва кооператив институтининг ректори В. И. Хорин Совет делегациясига бошчилик қилмоқда.

АҚШнинг йирик саноат шаҳарларидан бири бўлган Питсбургда халқ ғалаёнлари тўхтамаяпти. Ишчилар кетма-кет намойиш уюштиришмоқда, шаҳар ҳокимларидан негр қурувчилар учун иш беришни талаб этишмоқда. Полициячиларнинг қуролланган отряди таёқ ва газ ёрдамида намойишчиларни тарқатишга уринмоқда. Суратда: полициячилар намойиш қатнашчиларининг йўлини тўсмоқда.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

В. И. Ленинга бағишланади

СТОКГОЛЬМ, 9 сентябрь. (ТАСС). 30 мамлакат иштирокида Стокгольмда ўтаётган халқаро ярмаркада Швеция пойтахтининг неча минглаб аҳолиси бўлди. Шу кунлар Совет Иттифоқи павильони айниқса гавжум. «Халқаро китоб» бирлашмасининг кўркам қилиб безалган стендлари ярмаркага келувчиларнинг диққатини жалб қилмоқда, бу экспозиция В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини асосий мавзу қилиб олган.

Стокгольмдаги кўпгина жойлар Владимир Ильич номи билан боғланган: у революциядан олдинги йилларда бу ерларда бир неча марта бўлган эди.

Энди, сентябрнинг шу кунларида Швецияда Ленин билан учрашган кишиларнинг болалари ва набиралари Ленин асарлари ва унинг тўғрисидаги хотиралар билан танишиш, жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисининг граммофон пластинкасига ёзилган овозини эшитиш имкониятига эга бўлдилар.

Барча ёшдаги шведлар стендларга яқинлашиб, В. И. Ленин асарлари тўла тўпламининг жилдларини эҳтиётлик билан очмоқдалар, доҳийнинг образи акс эттирилган диапозитивларни кўздан кечирмоқдалар.

«Ленин яшаган, Ленин барҳаёт, Ленин барҳаёт қолажак» деган шиор остида кўрсатилаётган экспозиция Швеция аҳолиси Ильичнинг ўлмас ижодий мероси билан янада кенг кўламда танишувига ёрдам берди.

Вьетнам Хо Ши Мин билан видолашмоқда

ХАНОЙ, 9 сентябрь. ТАСС мухбири С. Афонин хабар берди:

Бугун эрталаб Ханойдаги Бадинь майдонида ўртоқ Хо Ши Мин билан видолашишга бағишланган мотам маросими бўлди.

Майдон халойиқ билан лиқ тўлди.

Ўртоқ Хо Ши Миннинг мотам хошия билан ўралган катта портрети остидаги минбарда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, Вьетнам Ватан фронти, Вьетнам халқ армияси, Жанубий Вьетнам делегациясининг раҳбарлари мотам маросимида қатнашмоқ учун дунёнинг турли мамлакатларидан Ханойга келган делегацияларнинг бошлиқлари билан бирга қайғули сукунат ичра турибдилар.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ва совет делегациясининг аъзолари Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти, Совет Иттифоқининг қалин ва содиқ дўсти Хо Ши Миннинг вафоти муносабати билан вьетнамлик ўртоқларга таъзия изҳор қилдилар.

Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтидаги қурилишларда, корхоналарда, муассасаларда ва ўқув юртларида иш тўхтатилди. Ханой аҳолиси шу дақиқаларда радио карнайлари атрофига тўпланишди. Ҳамма Бадинь майдонини тинглайди.

Ҳарбий оркестр Вьетнам Демократик Республикасининг давлат гимни билан Жанубий Вьетнам Республикасининг гимнини ижро этади.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети номидан Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан видолашув нутқи сўзлайди. Сўнгра у Президент Хо Ши Миннинг 1969 йил 10 майда ёзган васиятини ўқиб эшиттиради.

Оркестр «Интернационал»ни чалади, сўнгра Хо Ши Минга бағишланган қўшиқ оҳангларн таралади.

Тўплардан 21 марта отилган ўқ садолари Ханой узра янграйди. Бадинь майдонида ҳозир бўлган ҳамма кишилар ва Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтининг бутун аҳолиси ўртоқ Хо Ши Мин хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эслайди.

«Ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотираси» мотам куйи таралади. Бадинь майдони тепасидан 24 та реактив қирувчи самолёт учиб ўтади. Ўртоқ Хо Ши Мин жасади солинган саркофаг шу майдонидаги Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг биносига ўрнатилган бўлиб, саркофаг шу ерда қолади. Видолашувга бағишланган мотам маросими тугайди.

КЕНГАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

КАРАКАС, 9 сентябрь. (ТАСС). Венесуэла Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг материалларини кенг кўламда пропаганда қилмоқда. Венесуэла Компартияси Марказий Комитетининг органи «Документос политикос» журналининг бу ерда чиққан махсус сонида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Коммунистлар жипслигини мустаҳкамлаш учун, империализмга қарши курашни тағин ҳам юксалтириш учун» мавзуида қилган докладининг тексти, Венесуэла Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хесус Фариа нутқи ва кенгашнинг бошқа материаллари босилган.

ЯПОНИЯДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

ТОКИО, 9 сентябрь. (ТАСС). Япониянинг шарқий, марказий ва ғарбий қисмларида бугун ер қимирлади. Ер ости силкиниш-лари Токио, Осака, Нагоя, Гифа, Сидзуока шаҳарларида ва мамлакатнинг бошқа бир қанча шаҳарларида сезилди. Киодо Цусин агентлигининг хабар беришича, Нагояда етти баллик шкала ўлчовида зилзила кучи 4 баллга етган.

ҚИРҒИЗ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

Темирқул УМЕТАЛИЕВ
Қирғизистон ССР халқ шоири

ҲУҚУҚ

Негрнинг ҳам ҳуқуқи бор
ишлашга,
Бироқ мушкул у яшаган штатда.
Бир хил ишга бирдайин ҳақ
тўлашга
Оқ хўжайин йўл қўймайди,
албатта.
Ўқиш учун негрда ҳам ҳуқуқ
бор,
Бироқ мушкул: қайда ўқир,
шўру, хор?!
Мумкин эмас оқлар билан
ўтирмоқ,
Ўз тилида мактаб қани? Иўқ
зинҳор!
Ҳуқуқи бор негрнинг ҳам
ўлмоққа,
Қора ерга мангу ниҳон
бўлмоққа.
Аммо сира рухсат бўлмас
шунда ҳам
Оқ танлилар қаторига
кўммоққа.

Усмон ЮСУПОВ таржимаси.

Насредин БАЙТЕМИРОВ

СОЗИНГНИ ЧАЛ

Созингни чал, чалгин
янгратиб,
Оловланиб турсин қалбимиз.
Куйлар оқсин меҳр таратиб,
Чарақласин дил — офтобимиз.
Созингни чал, чалгин
янгратиб,
Юрагингда қолмасин армон,
Жўшиб куйла, созинг сайратиб,
Гўзал қизлар қилсин хиромон.
Созингни чал, чалгин созанда,
Куй назмида оқайлик биз ҳам.
Қўшиқ айтиб, шодлан хонанда,
Мусиқадек жонлан, хотирам.
Созингни чал, чалиб мафтун
эт,
Гул диёрим зебо қизларин.
Юлдузларни чорла, яқинрат,
Кўк саҳнида ёнсин изларинг!

Арофат НОСИРОВА
таржимаси.

ҚИРҒИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Дўст дўст билан қовушса,
душман куйнар,
Дўст дўст билан сўкишса,
душман кувонар.
Бирликсиз иш юришмас.
Меҳмон бор жойда омад бор.
Нодоннинг мингта сўзи
донолнинг битта сўзига
арзимайди.
Омадингга ишонма,
меҳнатингга ишон.
Яхши одам янглишса, ўзин
айблар,
Емон одам янглишса, дўстин
айблар.
Якка ёғоч уй бўлмас,
Якка йигит бий бўлмас.
Ўз қадрин билган — ўзганинг
ҳам қадрин билар.
Билмасанг, билганнинг гапин
тингла.
Бой солиқин оширар,
камбағал чориқин ечар.
Бозор тўкин бўлса ҳам,
камбағал ўкинади.
Бойнинг моли ҳисобсиз,
Камбағалнинг — орзуси.
Ҳасиснинг ярасидан ҳам қон
чиқмайди.
Эл билан айтишма,
Эр билан олишма.
Тенги топилса, қизингни
текин бер.
Ортиқча ҳунар бошни
ёрмайди.
Сув отаси — булоқ.
Сўз отаси — қулоқ.
Кўйлак кири ювса кетар,
Кўнгил кири айтса кетар.
Олтин зангламас, ақл айнамас.
Шармандалик ўлимдан ёмон.
Елғон сўз — қалб душмани.
Ноён ўз ватанида ҳам асир
тушар.
Беодоб йигит — жиловсиз от.
Касал ҳам кетар, кулфат ҳам
кетар, одат кетмас.
Нодон дўстдан доно душман
яхши.
Эр йигит уйда туғилади,
жангда ўлади.
Фан — таълим булоғи,
Билим — ақл чироғи.

ИҚРОР

(Боши учинчи бетда).

қир тулпорларни етиштирасиз. Довруғингиз аллақачон бутун Тянь-Шанга достон бўлган...

— Сен ўзинг қаерликсан, ўғлим? — унинг гапини бўлди Собир.

— Асли шу ерликман. Шу ерларда туғилиб ўсганман. Лекин уйдан чиқиб кетганимга анча йил бўлди. Ўқидим, кейин армияга кетдим. Бултур яна туғилиб ўсган жойимга қайтиб келдим.

— Кўриниб турибди. Кийим-бошинг ҳам ҳарбий бўлганингни шундоққина айтиб турибди. Бу отни ким боқиб берган, ўғлим?

Жийрон қашқани Маанекнинг ўзи боқиб катта қилган эди. Бироқ у қарияга тўғрисини айтишга истиҳола қилди.

— Бир колхозчи, — деди Маанек қизаринқираб, — бизда сизга ўхшаган отахонимиз йўқ. Шунинг учун отимни сизга кўрсатгани олиб келган эдим.

Йигитнинг гаплари машҳур синчига жуда хуш ёқди.

— Сал четроқ турингларингчи, — деди у атрофини қуршаб олганларга ва жийрон қашқани синчиклаб текшира бошлади. — Сизлар бутунлай бошқа замонда туғилгансизлар. Жондорнинг туёғи билан ёли бўлса бас, бу ажойиб тулпор деб ўйлайсизлар. Лекин, отнинг юрак уришини сезиш, унга меҳр қўйиш лозим. Сизлар буни тушунармидинглар? Сизлар енгил машинада юрасиз, самолётда бургутдан ҳам юксакка кўтарила оласиз, аммо шуни билиб қўйингларки, от — йигитнинг қаноти. Отинг қайси зотдан, ўғлим, лақаби борми?

— Лақаби «Елқин», қирғиз билан Дон отининг чатишгани.

— Дурустмас... Ҳм... ҳм... Илойим отингнинг умри узоқ бўлсин! Отинг менинг тулпорларим билан бемалол мусобақалаша оладиганга ўхшайди.

Собир отнинг бўйнини силаб, эркалатмоқчи бўлганди, жийрон қулоқларини чимириб, тумшуғи билан турта бошлади. Қария ҳеч қачон отдан қўрққан эмас, жийронни ҳам силаб туриб, гапирди:

— Вой эси йўқ-эй, нима қиляпсан? Бўлди, бўлди. Қўрқитмай қўяқол. Юрагингни сезиб турибман. Жуда мағрур, учқур отсан.

Жийрон худди қариянинг гапларини тушунгандек тек турарди.

— Отинг ўйлаганингдан кўра яхши, ўғлим. Пойгада бир омадингни синаб кўр... Жийронинг биринчи бўлмаса ҳам, ҳар қалай тўртинчи ёки бешинчи мукофотни олади.

Қария кўнглида борини рўйрост айтди қўйди. Аммо Маанекни отига берилган баҳо унча қизиқтирмасди. От шунчаки бир баҳона бўлиб, у бу ерга бутунлай бошқа иш хусусида келганди. Афсуски, бу ёғи у ўйлаганча бўлиб чиқмади.

— Агар ижозат берсангиз, энди қайтсам, оқсоқол, — деди Маанек, — отимни шунча таъриф тавсиф қилганингиз учун раҳмат. Омон бўлсак, ипподромда кўришамиз.

Маанек Собирга маъқул тушди. Унинг ортидан қараб қоларкан:

— Жуда бамаъни йигит экан, — деди, — халқимизнинг урф-одатларини ёдида тутиб иш қиляпти.

Ниҳоят мусобақа бошланди. Ўн, ўн беш, йигирма сантиметр чуқурликдаги йигирма беш чуқурча ковланди. Чуқурчаларнинг оралиғи эса ўнбеш метр. Ҳар чуқурчага йигирма беш, эллик, юз сўмдан пул солишгач, мусобақа бошланди. Чавандозлар ўз эпчиллигини намойиш этиб, чопиб кетаётиб, чуқурчадаги пулларни олишлари керак эди.

Баъзи бировлар пулни олиш учун ёқда турсин, лоақал эгилиб ҳам қўйишмас, сабаби отлари бутунлай бошқа томонга суриб кетарди. Бошқалари ё пулни олишолмас, ё қайтиб эгарга минишолмас, бировлар эса отдан йиқилиб, роса кулги бўлишарди. Чуқурчадаги пулни ололганлар эса, ўлжаларини одамларга намойиш этиб, навбатдаги чуқурчага томон елиб кетишарди.

Маанек ҳаммадан кейин қўзғолди. У бир неча марта уннаб кўрса ҳам, бироқ пулни ололмай, яна жойига қайтиб келар, жилмайганича отнинг қоринбоғини тортиб қўярди.

Маанекнинг ҳар сафар қуруқ қайтаётганидан Собир хафа бўлиб кетди. «Бечора йигитнинг омади юришмаганидан ҳатто бизга рўпара бўлишга ҳам хижолат бўляпти».

— Бу жуда эпчил йигит, — деди қария ёнида турганларга, — Аммо бир сирни билмас экан.

Бу орада Собирнинг атрофида турган одамлар ўзаро гапга тушиб кетишган эди.

***

— Бу йигитни жуда моҳир чавандоз деб роса гапиришган эди. Ҳаммаси бекорчи гап экан.

— Бечора яна отига минаяпти. Вой, кўнглимнинг кўчаси-эй...

Собир Маанекни майна қилаётганларни гап билан ўхшатиб тузламоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган ҳам эдики:

— Епирай, қаранглар, қаранглар! — деган қичқириқлар эшитилиб қолди.

Жийрон қашқа олдинга интилганида Маанек ҳаммани лол қолдириб, ажойиб ўйин кўрсата бошлади. У от устида туриб гирватдай айланар, бошини отнинг кўкрагига тираб олдинга сирғалиб тушар, яна эпчиллик билан ўзини эгарга оларди.

Буларнинг бариси ақл бовар қилмас даражада ажойиб томоша эди. Собир умри бино бўлиб биринчи марта бундай томоша кўриши эди. Шу боисдан Маанекка қараб туриб кўзларига ишонгиси келмас, ваҳимадан аъзойи бадани чумоли юргандек жимирлашиб кетарди.

Маанек отини қуюндек елдириб, кўз кўрмаган абжирлик билан тоҳ ўнгга, тоҳ чапга эгилар, чуқурчаларидаги пулларни битта қўймай йиғиб оларди, ҳамма ёқдан:

— Яша, жангчи! Балли, балли! — деган қичқириқлар эшитила бошлади.

Собирнинг ақли лол бўлиб, худди эгарга елимлаб қўйилгандек қилт этмасдан ўтирарди. Ниҳоят Маанек судьяларнинг олдига келди. Кекса отбоқарга қараб кулиб қўйди-да, қўлидаги пулларни стол устига ташлади.

— Мана мукофотни тақсимланглар!

Ҳаяжонланиб турган Собир шу заҳотиёқ отдан тушиб, Маанекни бағрига босиси келди-ю, баъзўр ўзини тутиб қолди. Шундан сўнг пойга бошланди. Биринчи даврада Собирнинг икки тулпори олдинда бориши. Маанекнинг жийрони эса олтинчи бўлиб югуриб ўтди.

Иккинчи даврада жийрон тўртинчи бўлиб олди. Собирнинг «Қоракўзи» у билан ёнма-ён югуриб борарди. Собир «Қоракўзи»га ишонар, шунинг учун ҳам хотиржам жилмайиб турарди.

Охирги давра бошланганда бирданига ҳамма нарса кескин ўзгариб кетди. Шу чоққача орқада имиллаб келаётган тулпорлар олдинга ўтиб олишди, дастлаб олдинда келаётганлари эса орқада қолиб кетишди. «Қоракўз» ҳамма отларни орқада қолдириб олдинга ўтиб олди. Фақат биргина «Елқин» ундан бир қадам ҳам орқада қолмай ёнма-ён елиб келарди. Томошабинлар ўринларидан тураверишгандек, Худди ўзлари мусобақада қатнашаётгандек, бақиришиб олдинга интилишарди.

«Елқин» «Қоракўз»дан бир қадамча илгарилаб кетди. Бу масофа маррагача ўзгармади.

Шу топда ўзини йўқотиб қўйган отбоқарнинг худди парвозга шайланган бургутнинг кўзларидек ёниб турган кўзларида ёш ғилтиллай бошлади. Маанекнинг қўлини қаттиқ сиқар экан:

— Чин юракдан табриклайман, ўғлим, чин юракдан! — деди.

«Илқичиларим ҳали ёш, ишқилиб отларга тузукроқ қараб туришган бўлсинда! Бирор кори-ҳол юз беришидан асрасин», — хавотирланиб кўнглидан ўтказди Собир ва шошилиб, отига минди.

Яйловга келиб, йилқиларини кўрганидан кейингина хотиржам бўлди. Ердамчиларидан мамнун бўлиб кетди. Сўнг йигитларга пойга ҳақида, айниқса Маанекнинг абжирлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

— Афсуски, сизлар у йигитни танимайсизларда, деди у гапини тугатар экан.

— Йўқ, танийміз, деди баланд бўйли қорачадан келган йилқибоқар, — У менинг яқин оғайним. Иккаламиз бирга жанг қилганмиз. Берлинни ҳам бирга олганмиз. Ҳозир у Ленин номли колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаяпти.

Собир уйга қайтгач, отда турибоқ қичқирди:

— Ҳой, онаси, Жипар, уйдамисизлар? Бу ёққа чиқинглар! Тезроқ!

— Тинчликми, дадаси? — Ичкаридан Олмадой чиқиб келди. — Бугун яхши туш кўрдингизми, дейман-а?

— Тушинг нимаси? — Собир соқолини силаб кулимсиради. — Мен тушга эмас, қизим Жипарга ишонаман. Сен қўшни колхозлик Маанек деган йигитни танийсанми?

— Танийман... Иўғ-э, у ҳақда эшитганман. — Олмадой ҳам довдираб, ҳам қувониб жилмайди.

— Уни таниш-танимаслигинг билан ишим йўқ. Мен розиман! Қизим Жипар янглишмабди. Илойим қўша қаришсин. Бахтли бўлишсин!

Э. УСМОНОВ
таржимаси.

●●

ДЕКАДА муносабати билан ўзбек ва қирғиз қаламкашларининг қизғин ижодий суҳбатлари бўлиб ўтяпти. Суратда: ўзбек ёзувчиси Санд Аҳмад (ўнгдан иккинчи). қирғиз қаламкашлари билан суҳбатлашмоқда.

А. АБАЛЯН фотоси.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

САНЪАТИМИЗ КЎРИГИ

М. БАЯЛИНОВ
Ленин орденли Қирғизистон давлат опера ва балет театрининг директори.

Серқуёш Ўзбекистонда адабиётимиз ва санъатимиз декадаси ўтяпти. Миришкор пахтакорлар, азалдан илму-фозиллари билан жаҳонга машҳур ўзбеклар диёрига келганимиздан қувончимиз чексиз.

Ўзбекистоннинг Катта академик опера ва балет театри ўзининг ажойиб асарлари билан Иттифоқимиздаги кўплаб санъат мухлисларининг ҳурматига сазовор бўлган.

Биз ҳам ўзбек санъаткорлари билан яқиндан ижодий ҳамкорлик олиб борямиз. Жумладан, қирғиз саҳнасида Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси муваффақиятли қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа концерт ансамбллари республикамизда тез-тез меҳмон бўлиб туришади.

Қирғизистон опера ва балет театри ташкил этилганига у қадар узоқ муддат бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичида театримизда ажойиб истеъдод эгалари етишиб чиқди. Сайра Кийизбоева, Бибисора Бейшеналиева, Калий Молдобасановлар қирғиз санъатининг довруғини оламга ёймоқда. Театримиз аҳли қирғиз, ўзбек, рус ва жаҳон классикасининг энг нодир асарларини намойиш этяпти. «Отелло», «Ҳаётбахш ўлим» каби операларнинг қўйилиши театримиз аҳлининг дадил ўрниниши, дейиш мумкин.

Ўзбек диёрига «Манас», «Асал», «Отелло», «Ҳаётбахш ўлим» каби асарларимизни олиб келдик. Бу асарлар санъаткорларимизнинг ўзига хос услуби ва йўли ҳақида тасаввур берса ажаб эмас. Бу асарлар ўзбек томошабинларига ҳам манзур бўлса, ўзимизни бахтли ҳисоблардик.

ДЎСТЛИКНИ МАДҲ ЭТАМАН

Жунай МАВЛОНОВ,
Қирғизистон ёзувчилар союзининг котиби.

Мен ҳам Ўзбекистонда ўтказилаётган Қирғизистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашаётганимдан беҳад мамнунман. Довруғи оламга достон Тошкент ҳақида биз кўп эшитганмиз. Бу шаҳарда бир неча бор меҳмон ҳам бўлганмиз. Ўзбекларнинг одамшавандалиги, меҳмондўстлигига қойил қолганмиз.

Декада пайтида ижод аҳли бир-бирларига ҳисоб бериб, ҳисоб оладилар. Мен ҳам шу муносабат билан ўз ишларим ҳақида бир оз тўхталмоқчиман. «Тиниқ осмон» номли трилогиямнинг биринчи китоби босмадан чиқди. Бу асарда асосан ўқитувчилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Мен шуни ғурур билан айтишим мумкинки, ушбу китобда содир бўладиган воқеалар Ўзбекистонга жуда боғлиқ. Воқеа Қирғизистоннинг жанубида ва Ўзбекистоннинг Саричелек водийсида содир бўлади. Асарда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган азалий дўстлигимиз, қон-қардошлигимиз акс эттирилади.

Ҳозир шу асарнинг иккинчи китоби устида ишлаяпман. Шубҳасиз, бу қисмда ҳам яна ўзбеклар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ниятим бор. Мен ўзбек адибларининг асарларида ҳам Қирғизистон ҳақидаги гапларни ўқиганимда қувончим ичимга сиғмай кетади.

Фикрларингизга муштоқмиз

Арген ЕСЕНҚУЛОВ,
Қирғизистон Давлат филармониясининг директори.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳақида, унинг бебаҳо дурдонаси — «оқ олтин»и, меҳнатсевар кишилари ҳақида эшитмаган одам жуда камдан-кам топилса керак. Ўзбек диёри фақатгина пахтаси, саноати билан эмас, балки ажойиб адабий ва санъат асарлари билан ҳам жаҳонга машҳур. «Баҳор» ансамблининг рақсоса қизлари деярли ер куррасининг ҳамма ўлкаларида бўлиб, ўз маҳоратлари билан санъат мухлисларини беҳад мамнун этганлар. Ўзбек эстрада ва халқ чолғу ансамбли ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Биз мана шу ажойиб санъат диёрига ташриф буюргиниямиздан мамнунмиз.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РОСА ОМАДИ КЕЛДИ

Белгород областидаги Старий Оскол шаҳрининг алоқачиси Иван Лисенко «ғилдиракли бирон нарса» ютиш ниятиёқида СССР ДОСААФ автомотолотереясининг билетларидан 76 тасини сотиб олган эди. У лотерея билетларини текшириб турар экан, ўз кўзларига ишонмай қолди: бир билетга «Москвич — 412» автомобилини, иккинчисига «М—105» мотоциклини, учинчи билетига эса, «Тула—турист» мотороллерини ютди. Лисенко автомобилнинг ўзини, қолган икки ютуқнинг эса пулини олишга қарор қилди.

Белгород областидаги бошқа кўп аҳолн учун ҳам автомотолотерея омадли келди. Бу ердагилар учта «Волга», 6 та «Москвич», 150 та мотоцикл ва мотороллер ютишди.

(ТАСС).

Тоғ этагидаги олишув

ҲОДИСА

4-«Оҳангарон» совхози 2-бўлимининг чўпони Илёс Эсонбеков эрта тонгда Қурама тоғлари ён бағрида подадан ажралиб, адашиб қолган бузоқни қидириб йўлга тушди. Қишлоқ яқинидаги тўқайзорда у тасодифан қўнғир тусли баҳайбат бўри билан рўпара келиб қолди. Ваҳший ерда ўлиб ётган эчки танасини парчалаш билан банд эди. Иирткич одамга кўзи тушиши биланоқ, ўлжасини ташлаб, буталар орасига ўзини урди. Илёс отни ниқталаганча қароқчи ортидан қува бошлади.

Бўри ўнқир-чўнқир жарликлар бўйлаб қочиб, изини йўқотишга ўринарди. Илёс ҳам бўш келадиганлардан эмас. У ваҳшийнинг ҳийла-найрангидан хабардор бўлиб, ҳатто бир нечасини ер тишлатган ҳам.

Чўпон йиртқичнинг олдидан кесиб чиқиш мақсадида отнинг жиловини тоғ этагидан ўтувчи Оқчаой ариғи томон бурди. Ниҳоят жарлик ёқасида унга етиб олиб, от устида турганча оғир гавроні билан зарб берди. Иирткич жон аччиғида ўгирилиб, чавандозга ташланди. Ҳуркиб кетган от аянчли кишнаб устидаги одамни четга олиб қочди. Чўпон чапдастлик билан ўзини ўнглаб олди-да, яна таёғини ишга солди.

Яккама-якка олишув 10 минутча давом этди. Кўрсатган жасорати ҳамда топшириғлан бўри терисни учун Илёс Эсонбеков қимматбаҳо мукофот билан тақдирланди.

В. УРИЦКИЙ.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Чирчиқда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти биринчилиги учун енгил атлетикачилар мусобақаси бўлиб ўтди. Тошкент, Бухоро ва Фарғонадан келган спортчилар шахсий ва команда биринчилиги учун курашдилар. Кутилгандек, пойтахтимиз вакиллари мусобақа ғолиби бўлишди. Иккинчи ўринни областимиз командаси, учинчи ўринни эса бухороликлар олди. Шахсий биринчиликда юз ва икки юз метрга югуриш мусобақасида областимиз вакили мастер В. Савон олдинда бораётир. У уч ўйинда 2,5 очко олди.

ШАХМАТ:

МАСТЕР ПЕШҚАДАМ

Шахмат бўйича ўтказиладиган бу йилги СССР чемпионати составы жиҳатидан аввалги биринчиликлардан кучлилиги билан ажралиб турибди. 15 гроссмейстер, шу жумладан жаҳоннинг учта собиқ чемпиони — Т. Петросян, М. Таль, В. Смислов мамлакат чемпиони олтин медаллари учун курашмоқдалар. Мусобақа кескин «жанг»лар билан ўтмоқда. Негаки, унинг тўрт ғолиби зоналараро шахмат турнирига йўлланма олади. Кейинчалик улар жаҳон чемпиони билан матч ўйнашга умид қилсалар ҳам бўлади. Ҳозирча чемпионатда зўр рақиблардан ўзиб кетган харьковлик мастер В. Савон олдинда бораётир. У уч ўйинда 2,5 очко олди.

ФУТБОЛ:

«ТАШАВТОМАШ» ИЛГАРИЛАМОҚДА

«Б» класси Ўрта Осиё зонаси командалари 30-тур ўйинларини ўтказишди. «Ташавтомаш» Бухоронинг «Факель» командасини қабул қилиб, рақиблари дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритди. Бу ғалаба билан пешқадам яна илгарилаб кетди. Завод футболчилари ҳозир 45 очко тўпладилар. «Самарқанд» командаси иккинчи ўринда мустаҳкамланиб қолди. У ўз майдонида қўрғонтепалик футболчиларни 4:1 ҳисобида енгди ва 41 очкога эга бўлди. «Оқ олтин», «Янгиер», «Олой ва СКА» (Тошкент) коллективлари худди олдиндан «келишгандек», дуранг натижага эришдилар. Жумладан, «Оқ олтин» ўз майдонида «Металлург» билан 0:0 ҳисобида дуранг қилди. Уш футболчилари «Пахтаорол»га бориб, «Янгиер» Чирчиқ шаҳрига бориб, Тошкент армиячилари Хоразмга — Наримонов номли колхозга бориб бир очкодан олдилар. Бу учала ўйинда ҳам ҳисоб очилмади.

***

Хожув шаҳрида Польша миллий терма командаси билан Голландия футболчилари ўртасида жаҳон биринчилигининг саралаш ўйини бўлди. Ҳисоб майдон эгалари фойдасига 2:1. Тўпларни поляк футболчиларидан Яросик ва Любанский киритдилар. Бу командалар мусобақалашаётган 8-саралаш группасида уч ўйинни ғалаба билан якунлаган Болгария терма командаси футболчилари олдинда боришмоқда.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 — Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадаси. Фрунзе телестудиясининг кўрсатишлари.
22.00 дан — Москва кўрсатади.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
12.55 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
УҚУВ КУРСАТИШЛАРИ ПРОГРАММАСИ
Ўзбек тилида: 18.00 — Ота-оналар учун консультация.
18.40 — Ажойиботлар оламида, 19.00 — Ленининг дўсти ва сафдоши (ҳужжатли фильм), 19.20 — Беш йиллик илғорлари, 19.40 — Реклама.
20.00 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
22.00 — Турналар учади (бадиий фильм).
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 20.00 — Ульяновск осмонида (телефильм), 20.20 — Рассом ва замон, 20.40 — Лирик концерт, 21.20 — Эҳтиёт бўлинг, буви! (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадаси — 11/IX да Отелло.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IX ва 12/IX да Мирзо Улуғбек.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Венгер ва совет цирки артистларининг гастроллари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Тирик мурда — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 2, 4, кеч 8 ва 9 да).
Хотинимнинг номуси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ва кеч 7 да).
Аввал сен ур, Фреди — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Улкан севги серенадаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Механикодаги оғир стартлар — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).
ЕЗГИ БИНОДА
(Кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади)
Тирик мурда — «ФЕСТИВАЛЬ».
Хотинимнинг номуси — «ХЕВА».

ТОШКЕНТ ИПАК ЯИГИРУВ ФАБРИКАСИГА
автоматчи, зарядчи, пиллани буғлантирувчи ва ишчилар
КЕРАК
Фабрика қошида юқорида кўрсатилган касбларга ўргатиш учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинган.
Чилонзор районида, Иссиқ сув ва Ҳасанбойда яшовчилар ишга ва ишдан фабрика автобусида қатнайдилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 314-уй (7-троллейбус, 42, 43, 77-автобусларнинг «Ипак йигирув фабрикаси» бекати). Телефон 44-09-65.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРЛАР ЖАМИЯТИГА
бухгалтер-ревизорлар, маршаллаштирилган ҳисоб бўйича бош бухгалтер ўринбосари, президиум масъул котиб-стенографистлари
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 22-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент область «Стройремавтодор» БОШҚАРМАСИГА
бош бухгалтер ўринбосари, катта ревизор, секретарь-машинистка, инженерлар, бухгалтерлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 54-разъезд (18, 122, 126-автобусларнинг «САНИИР» бекати).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04587 ИНДЕКС — 6469. Р. 01722